

- 2019 йил б. 16. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. – Т.: «НОШИР», 712 – .2012 б.
20. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, .2002 204 – б.
21. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, 254 – .1999 б.
22. Собиров Х.Р, Фаттахов А.А., Иминов О.Н. «Налогообложение малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан» – Т., Молия , 114-.2000 с.
23. Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография. – Т.: Фан ва технология, 204 – .2008 б.
24. Тошмурадова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 128 – .2002 б.
25. Хайдиддинов А.Б. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати. –Т.: 2011 йил б. 13.,Хайдаров Н. Молия. -1қисм. – Т.: Академия, 185 – .2001 б.; Ниязметов И. “Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш” мавзусидаги докторлик диссертацияси Автореферати. Т.: БМА, 2019 йил; Абдурахманов О. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 40 – .2005 б.; Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 247 – .2003 б.; Қўзиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: "IQTISOD-MOLIYA", – 296.; Ш.Жумаев. Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг ташкилий-хукуқий асослари. ©Иқтисодиётда инновацион ривожланиш, 2021. 5-сон.
26. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф тот монидан тузилган.
27. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИННИГ РИВОЖЛANIШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Зиё Шерзод Азамат ўғли –
ТДИУ таянч докторанти**

Аннотация. Мазкур илмий мақолада Ўзбекистонда ислом молиясини ривожлантириш истиқболларига тўхталиб ўтилган, шунингдек, Ўзбекистонда ислом молияси тамоиллари асосида фаолият олиб бораётган молия муассасалари фаолияти ҳамда уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилиб ўтилган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ислом молияси ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар санаб ўтилган.

Калит сўзлар: исломий банк маҳсулотлари, мубораҳа, мудораба, мушорака, истисно, қард хасан, ижара, салам, горар, майсир

Аннотация. В данной научной государстве рассматривается специфика исламских банковских продуктов и услуг, а также их преимущества и принципы работы исламских банковских продуктов. Также, проанализированы возможности зарубежных исламских банковских продуктов в Узбекистане.

Ключевые слова: Исламские банковские продукты, мубораха, мудораба, мушорака, истисна, кард хасан, ижар

Annotation. In this scientific state, the specifics of Islamic banking products and services are considered, as well as their advantages and the principles of operation of Islamic banking products. Also, the possibilities of foreign Islamic banking products in Uzbekistan are analyzed.

Keywords: Islamic banking products, muborah, mudoraba, mushoraka, istisna, qard hasan, izhar

Кириш

Исломий банк тизими тез ривожланаётган анъанавий банк тизимига нисбатан муқобил тизим сифатида дунёда танилди ва қисқа муддатда тўлиқ шаклда тижорат банклари билан рақобатлаша оладиган яхлит механизмга айланди. Тижорат банкларидан фарқли равишда, исломий банклар молиялаштиришда фойда ва зарарни иштирокчилар ўртасида мутаносиб тақсимлаш воситасида тадбиркор ва ишбилиармонларни ўзига жалб эта олди.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ҳам 2020 йил 29 декбрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳукуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари эксперлари жалб этилади” деб, таъкидлаган эдилар[1].

Хозирги кунда жаҳон молия секторида энг жадаллик билан ривожланаётган йўналишлардан бири исломий молиялаштириш сегменти саналади. Исломий банк хизматлари мавзусида тадқиқот олиб борган таниқли рус олими Р.И.Беккиннинг маълум қилишича, “банкларнинг спекулятив фаолияти таназзули вақтида исломий институтлари фойдаси йилига 20-15 фоизга, активлари эса 20 фоиздан зиёд ўсиб бормоқда” [2].

Исломий банк секторининг жадал суръатлар билан ривожланишига талабнинг ортиши ва мусулмон давлатлари томонидан молиявий ресурсларнинг сезиларли даражада тўпланиши мазкур секторни чуқурроқ ўрганиш ҳамда уни янада такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Ўзбекистондан иқтисодиётни молиялаштиришнинг муқобил варианти сифатида мазкур соҳани жорий этиш, исломий банк маҳсулотларини истеъмолга чиқариш муҳим долзаблик касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ушбу мавзу доирасида олиб борилган тадқиқот натижасида олимларнинг ислом молияси ва банкчилиги тўғрисида қўйида келтирилган фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиб, мазкур соҳанинг аҳамияти, келгусидаги истиқболи, кутилаётган имкониятлари ҳамда хатарлар тўғрисида керакли билимлар олиш мумкин.

Хусусан, олимлар Аль Аззави ўз тадқиқотларида ислом банки тўғрисида “Ислом шариати асосида банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга пул маблағларини жалб этиш, жисмоний ва юридик шахсларни молиялаштириш ҳамда бошқа банк хизматларини амалга оширувчи тижорат ташкилотидир” деб, таъриф берганлар [3].

Россиялик ислом молияси соҳаси бўйича тадқиқочиси Р.И. Беккин ислом банкларининг асосий мақсадларидан бири қарзи ҳасана берриш йўли билан маблағларни фойдали ривожланиш йўлларига сарфлашдан иборатлигини таъкидлайди [2].

Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам сўнги йилларда мазкур мавзуз доирасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. О. Астанақулов[4], К.Т. Алимова[5] ва А.С. Турсунов[6] каби тадқиқотларни мисол қилиб келтириши мумкин.

Юқоридаги олимларнинг фикрларини ўрганиб, хуносакиладиган бўлсак, Ўзбекистонда ислом молиясини ривожлантириш илмий асосларини тадқиқ этиш мумкин.

Тадқиқот методологияси

Илмий ишни амалга оширишда Ўзбекистонда ислом молиясининг ривожланиш истиқболларини таҳлил этишда олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимили ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хуроса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёнинг энг аҳолиси зич, ислом дини тараққий этган маркази саналади. Шунга қарамасдан, ислом молиясининг кириб келиши ва уни ривожлантириш масаласи жуда секинлик билан бормоқда. Ваҳоланки, бизда аҳолининг 90 фоизи ислом динига эътиқод қилювчи мусулмонлар ташкил этади. Бу эса ислом банки маҳсулотларига талаб катта

бўлган улкан бозор мавжудлигини англатади. Шуни иnobатга олган ҳолда маҳаллий тижорат банклари сусткашликка йўл қўймаган ҳолда ва хорижий исломий молия муассасаларининг бозорга кириб келишидан олдин, вазиятга тўғри баҳо бериб, исломий банк маҳсулотларининг кенг турини ишлаб чиқишилари зарур.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси учун ИТБнинг Ислом тадқиқот ва ўқув институти билан ҳамкорлик қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, ислом молиясини республикамиз амалиётига жорий қилиш аҳолининг бу борадаги молиявий саводхонлигини ошириш заруриятини юзага келтиради.

Ислом тадқиқот ва таълим институти, мусулмон мамлакатларида аҳолининг саводхонлик даражасини ошириш ва касбий малақасининг ўсишига қўмаклашиш мақсадида, 1981-йилда ташкил этилган.

XX асрнинг 80-йилларида Ислом институти томонидан камбағалликни қисқартириш мақсадида стипендиялар дастурини молиялаштириш жорий этилди. 2020-йилнинг бошига келиб, ИТБга аъзо мамлакатлардан ва аъзо бўлмаган мамлакатларнинг мусулмон фуқароларидан 17 мингга яқин талаба ва олимлар Институт стипендиясини олишибди.

Ислом тадқиқот ва таълим институтининг таълим дастурларини молиялаштиришнинг умумий ҳажми 134 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

ИТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик бўйича илк қадамлар қўйилмоқда. Ўзбекистон Халқаро ислом академияси билан ислом ривожланиш смарт синфи яратиш лойиҳаси бўйича 51535 АҚШ доллари миқдорида шартномалари имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси амалиётига ислом молиясини жорий этилиши исломий молиявий воситалардан ва ислом суғуртасидан кенг кўламда фойдаланиш имкониятини юзага келтиради. Бунинг натижасида, Ислом инвестицияларни суғурталаш ва экспортни кредитлаш корпорацияси билан ҳамкорлик қилиш имконини юзага келади.

Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш корпорацияси ИТБга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ташқи иқтисодий

алоқаларни ривожлантириш ва диверсификация қилиш мақсадида, 1994-йилда ташкил этилган. Кейинчалик унинг фаолияти йўналиши экспортнинг ўсишига қўмаклашиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, халқаро савдо ва суғуртада исломий принципларни қўлланилишига қўмаклашиш хисобидан кенгайди.

Хозирги даврда Ислом инвестицияларни суғурталаш ва экспортни кредитлаш корпорацияси ИТБга аъзо мамлакатларнинг ихтинослаштирилган муассасалари билан, шу жумлада, экспорт агентликлари билан фаол ҳамкорлик қиласи, тадбиркорлик рискини назорат қилиш инструментларини таклиф қиласи. Аммо, корпорация шариат қоидаларига тўғри келмайдиган тижорат шартномаларини суғурта қилмайди.

Таъкидлаш жоизки, ИТБ барқарор ресурс базасига эга. Устав капитали ИТБнинг барқарор ресурс манбай бўлгани ҳолда, у инвестицион фаолиятдан даромад олади ва жаҳон капиталлар бозоридан ресурслар жалб қиласи. Бундан ташқари, ИТБ халқаро молия-кредит ташкилотлари билан инвестицион ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, ИТБ 2011-йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Осиё тараққиёт банки билан, 2018-йилда Жаҳон банки гурӯҳи ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан инвестицион ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ўзбекистонда ислом молияси тамоиллари асосида фаолият юритаётган камсонли молиявий муассасаларидан бири Иманинвест инвестиция фонди саналади. Мазкур фонд ўз фаолиятини 2020 йилда бошлаган бўлиб, шу кунга қадар умумий инвестиция портфели 15,68 млрд. сўмга етди. ИМАН одамларга фоизсиз харидлардан тортиб, келажак учун жамғаришгача бўлган кундалик ҳаётларидан кўпроқ фойдаланишга ёрдам бериш учун дунёдаги биринчи чина-кам глобал исломий мобиль иловани ишга туширди. 2020 йилда ИМАН Ўзбекистонда бўлиб-бўлиб сотиб олиш ва омонатларни (инвестицияларни) қўйиш имкониятини таклиф этувчи ўз фаолиятини бошлади. Ташкил этилгандан бўён бутун дунё бўйлаб минглаб фойдаланувчилар ўз пулларидан ҳалол йўл билан кўпроқ фойда олиш учун

ИМАН компаниясининг инновацион маҳсулотларидан фойдаланишмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати билан самарали ҳамкорлик ИМАНнинг асосий стратегик мақсадларидан биридир. Сўнгги тўрт йил давомида амалга оширилган ислоҳотлар ИМАН каби финтех компаниялар учун қулай муҳит яратмоқда ва шунинг учун биз Ўзбекистонда институционал, ижтимоий-иқтисодий, технологик ва молиявий ислоҳотларни жадаллаштиришга ҳисса қўшди. Шундай қилиб, ИМАН ўз фаолиятини ҳукуматнинг асосий сиёслари билан мувофиқлаштиради, хусусан:


- 1) Муқобил капитал бозорлари ва молиявий воситаларни ривожлантириш;
- 2) рақамлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш сиёсати;
- 3) Барқарор ривожланиш мақсадлари;
- 4) Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва

қашшоқликни қисқартириш;

5) Инвестиция муҳитини ва тадбиркорликни яхшилаш.

Охириг 6 ой давомида ИМАН бир қатор давлат идоралари, жумладан Ўзбекистон Марказий банки, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (МИФТ), Ахборот технологиялар ва коммуникациялар вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқалар билан сиёсий муҳокамалар ўтказди.

IMAN Ўзбекистондаги биринчи тулиқ Ислом Молияси тамойилларига асосланган инвестицион фонд булиб, инвесторлардан маблағларни жалб қилиш ва уни савдога йуналтириш, савдодан келган фойдани эса инвесторлар орасида тақсимлаш билан шуғулланади. Бу жараён қонун устуворлиги ва шаффоф замонавий технологияларда асосланган, инвестицион платформа туфайли максимал даражада қулай ва ишончлиdir.



1-расм. Иманга киртилган инвестицион қўйилмалар кумулятив миқдори, млрд. сўм[6]

Иман инвестиция фондига 2021 йил биринчи кварталда 1,21 млрд. сўм киртилган бўлса, 2021 йил охирига келиб 11,9 млрд. сўмга етди, 2021 йилнинг биринчи кварталига келиб инвестициялар миқдори 15,68 млрд. сўмга етди.

IMAN жалб қилинган сармояларни бир нечта соҳаларда маҳсулотлар ва хизматларни молиялаштиришга йуналтиради, соҳалардан тиббиёт, таълим, электроника, кичик ва катта майиший техника савдоси, қурилиш моллари ва хоказо. IMAN шерикчилик асосида инвесторлардан маблағларни жалб қиласи ва уни тижоратга йуналтиради, ва шу тижоратдан келган

фойдани инвесторлар орасида тақсимлайди. Қонун нуқтаи назаридан барча инвесторлар коммандит ширкатининг таъсисчилари бўлишади.

IMAN ўзининг инвесторлари маблағларининг хавэзсизлигини таъминлаш масаласида бир қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқган. Улар қуйидагилардан иборат:

Сармояни фақатгина банк ёки тулов тизимлари (уларнинг ортида хам банклар туради) асосида қабул қилиниши. Бу қабул қилувчи хам, юборувчи хам муайян талабларга жавоб бериши ва текширувлардан муввафақиятли утганини англатади.

• Инвестор ва IMAN нинг хуқуқ ва мажбуриятлари, инвестор иловамиз ва сайтилиз орқали танишадиган ва қабул қиласидиган шартномамизда (Оммавий офертада) акс эттирилганdir.

• Хар бир инвестор тижоратнинг қонуний шерики булиши ва бу мақом, Адлия Вазирлиги қошидаги Давлат Ҳизматлари агентлигидан руйхатдан утказилиши. Бу хар бир инвестор ва IMAN нинг уртасидаги муносабатлар қонунийлигини бевосита давлат (давлат органлари орқали) тасдиқлаши ва инвестор хуқуларини қонун доирасида ҳимоя қилишини англатади.

• IMAN нинг Шариат Кенгаши булиб, у тижоратнинг Ислом Молияси ва хуқуқи таъблари ва асосларига жавоб беришини мунтазам равишда текшириб келишади. Ислом молияси эса, ўз ўрнида шериклар ўртасидаги ўзаро хурмат ва адолатга асосланганdir.

Ўзбекистонда қатор исломий лизинг компаниялар фаолият кўрсатмоқда.

Жумладан, 2019 йилда мамлакатда биринчи «Ўзаро» исломий сувурта компанияси ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистондагина эмас, балки МДХ давлатлари ичida биринчилардан бўлган электрон-Мурабаха (Мурабаха савдо битими асосидаги молиявий маҳсулот) платформаси ишлаб чиқилди. IsBF (Islamic Business and Finance) номли биринчи Ислом молия масалалари билан шуғулланувчи компания (асосий фаолияти ушбу соҳада консалтинг ҳизматлари кўрсатиш) ташкил этилди, ислом молияси соҳасида аҳоли саводхонлигини ошириш мақсадида “Ислом молияси” Telegram саҳифаси ва веб сайти ишга туширилди. Таиба Лизинг ва Ал-Мулк Капитал каби лизинг компаниялари эса кичик ва ўрта бизнес вакилларига Ислом тамойиллари асосидаги ижара маҳсулотлари тақдим қилишни давом эттирумокда.

«Taiba Leasing МЧЖ ўзининг Ўзбекистон бозоридаги фаолиятини -2011йилда, Xусусий Секторни Ривожлантириш бўйича Ислом Корпорацияси (ХСРИК) компанияси -3Тошкент халқаро лизинг форумида тақдим этилган пайтдан бошлади. «Taiba Leasing» компанияси Ислом Тараққиёт банки Гурӯҳига кирувчи ХСРИКнинг %100 шўба корхонаси ҳисобланади.


«Taiba Leasing» Ўзбекистон Республикаси худудида лизинг ҳизматларининг кенг доирасини тақдим этиш мақсадида ташкил қилинган. Янги молиявий воситаларни жорий этиш, айниқса, рақобатбардош экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг юқори даражасига эга бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиялаштириш орқали Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашиш «Taiba Leasing» компанияси фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Мана 10 йилдирки, Таиба Леасинг ўзбекистонлик лизинг олувлар, яъни фойда олаётган ва истиқболли бизнесга эга корхоналар учун рақобатбардош лизинг шартларини таклиф этмоқда. Бугунги кунда она компания билан яқин ҳамкорликда Ўзбекистоннинг барча худудларидаги мижозларни молиялаштириш муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Компания бугунги кунда шариат тамоилилариға мувофиқ фаолият кўрсатаётган Ўзбекистондаги ягона лизинг компанияси ҳисобланади. Ҳозирга қадар умумий қиймати 36 млн АҚШ доллари эквивалентида 250 дан ортиқ лойиҳа молиялаштирилди.¹

2020 йил бошида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Даствури доирасида «Ўзбекистонда исломий молия маҳсулотлари таҳлили» бўйича амалга оширилган тадқиқот ва унинг доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, банк кредитларидан фойдаланмасликнинг асосий сабаблари сифатида авваламбор, диний қарашлар, кредитлар бўйича юқори фоиз даражаси ва кредитлаштиришнинг мураккаблиги кўрсатилган бўлиб, агар мамлакатда ислом молия муассасалари ташкил этилса, юқоридаги сўровномада иштирок этган қатнашувчиларнинг аксарияти ушбу муассаса ҳизматларидан фойдаланишлари мумкинлигини таъкидлаганлар. Ҳатто, анъанавий банклар ҳам Ўзбекистонда ислом молия муассасалари ташкил қилиш, молия тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат юзага келиши, натижада мамлакатга сармоялар оқими ўсиши ва диверсификациясига олиб келиши ҳақида ўз фикрларини билдирганлар.

¹ <http://taibaleasing.com/>



2-расм. банк-молия муассасалари кредитларидан фойдаланмаслик сабаблари

Ж. И момназаров томонидан ўтказилган тадқиқот иши доирасида Ўзбекистонда сўровнома ўтказилди. Сўровномада жами 2235 та респондент қатнашиб, Google form ва Survey Monkey дастурларидан фойдаланган ҳолда онлайн шаклда ўтказилган[8].

Ушбу сўровномада тадқиқотчи Ўзбекистонда исломий банк маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни баҳолаш ва уларни жорий этиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш каби мақсадларни илгари сурган.

Сўровномада қўйилган дастлабки савол “Расмий банк-молия муассасалари кредитларидан фойдаланмаслик сабаблари нима”-деган мазмунда қўйилди.

Бизнес ва жисмоний шахслар учун энг асосий муаммо анъанавий кредитларнинг ислом дини талабларига мос эмаслиги бўлган. Хусусан, бизнес вакилларининг %38, ҳамда жисмоний шахсларнинг %55 диний қарашлари сабабли анъанавий кредитлардан фойдаланмасликларини айтишган. Кредилардан фойдаланмасликнинг бошқа сабаблари сифатида фоиз даражасининг ююрилиги, мураккаб талабларнинг мавжудлиги, ҳамда кредитлардан фойдаланиш зарурати йўқлиги кўрсатилган.

Шунингдек, жавоблар орасида кредит таъминоти билан боғлиқ муаммолар, кредит олиш жараёнларидаги мураккабликлар мавжудлигини таъкидлаб ўтганлар.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу соҳада Ўзбекистон амалиётида бир қатор муаммоларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Исломий банк маҳсулотларини жорий этиш бўйича ҳали тўлиқ ҳуқуқий асосларнинг мавжуд эмаслиги;

Исломий банк хизматларини кўрсатиш фаолиятини солиққа тортиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Шариат кенгашларини ташкил этиш;

Мазкур соҳада билим ҳамда малакага эга бўлган мутахассисларнинг етишмаслиги;

Хозирги кунда банкларда ишлатиб келинаётган барча дасутрий тизимла анъанавий банк хизматлари кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, исломий банк хизматларини жорий этиш ва истеъмолчиларга етказиш учун яна дастурий янгиланишларни амалга ошириш, бунга эса катта миқдордаги харажатларни йўналтиришга тўғри келади.

Банкларининг исломий банк хизматларини ривожлантириш бўйича финтехлар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг орасида муносибларини топиш ҳам жуда масъулиятли вазизифа саналади.

Исломий молиявий хизматлар соҳаси Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун муҳим омил, пойдевор ва ривожланиш истиқболи бўлади, натижада ўз маданиятида Исломнинг

чуқур илдизларини акс эттирган мамлакатга хорижий инвесторларнинг қизиқиши ортади ва ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланишида тўлақонли фойдаланишга эришиши мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2021 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, www.president.uz

2. Беккин Р.И. Исламские финансовые институты и инструменты в мусульманских и немусульманских странах: особенности и перспективы развития. / Автореф. дисс. докт. экон. наук., 48 – .2009 с.

3. Аль Аззави А.А. К вопросу о специфике функционирования исламского банкинга и факторах, останавливающих его развитие на территории РФ // Вестник Университета (Государственный университет управления). – 4 № – .2017. – с. 88-85.

4. Астанақулов О.Т. Ислом молияси асослари: тараққиёт босқичлари, истиқболлари, "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2021 yil

5. Алимова К.Т. «Ислам в Центральной Азии» // Актуальные вопросы общественных наук: социология, политология, философия, история: сб. ст. по матер. VII междунар. науч.-практ. конф. № 1(53). – Новосибирск: СибАК, 2016.Исламские финансово-кредитные институты в экономике зарубежных стран / Р. И. Беккин, Р. Р. Вахитов, Г. Т. Гафурова и др. / под ред В. Г. Тимирясова. Казань: Изд-во «Познание» Института экономики, управления и права, 2011.

6. Турсунов А.С. Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, Тошкент, 2021 йил Е.А.Байдаулет, Х.Хасанов “Исломий молия асослари” Ўзбекистон -37 ,2019бет

7. Иман инвестиция фондининг йиллик ҳисобот маълумотлари

Имамназаров Ж. Ўзбекистонда исломий молия маҳсулотлари таҳлили, UNDP 2020 йил

ANALYSIS OF THE PRODUCTION PROGRAM LLC «CRYSTAL»

АНАЛИЗ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ ПРОГРАММЫ ООО «КРИСТАЛЛ»

Кузнецова Светлана Николаевна –

Нижегородский государственный педагогический университет им. К. Минин, к.э.н., доцент кафедры экономики предприятия, Российская Федерация

Бароян Гарник Арменович –

Нижегородский государственный педагогический университет им. К. Минина, студент группы ЭЗС1-20-, Российская Федерация

Аннотация: Актуальность исследования заключается в необходимости постоянного пересмотра трудоемкости производственных норм. Положения, регулируемые нормативные показатели труда, не могут оставаться одинаковыми на протяжении всего пути развития экономики, поэтому под влиянием внешних и внутренних факторов могут обновляться.

Нормы труда не могут оставаться неизменными в течение длительного периода времени и подлежат периодическому обновлению.

Цель исследования – разработать мероприятия по планированию трудоемкости производственной программы на примере гостинично-ресторанного комплекса «Полярная Звезда» ООО «Кристалл».